# Термиз туманидаги уюшмаган ёшлар ўртасида футбол мусобақаси ўтказилди

Термиз туман ҳокимлиги ва туман Ички ишлар бўлими ҳамкорлигида “Марварид” дам олиш маскани футбол майдонида тумандаги уюшмаган ёшлар ўртасида футбол мусобақаси ўтказилди.

Тумандаги уюшмаган ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ҳамда турли ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш мақсадида ташкил этилган мусобақа қизғин курашларга бой бўлди.

Якунда ғолиб жамоалар ташкилотчиларнинг фахрий ёрлиқ ва пул мукофотлари билан тақдирланишди.